

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш Вазирлиги



_____ 2022 й.

P-099

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль
йўллари қуриш ва реконструкция
қилиш дирекцияси” ДУК



_____ 2022 й.

**4Н110 "Мўйноқ шаҳари-Орол денгизи пристани" автомобиль
йўлининг 0-5 км қисмини мукамал таъмирлаш объектнинг ишчи
лойиҳасини ишлаб чиқишга**

Т О П Ш И Р И Қ

(3 нусхада)

Тошкент-2022 й.

1. Объектнинг номи	4Н110 "Мўйноқ шаҳари-Орол денгизи пристани" автомобиль йўлининг 0-5 км қисмини мукамал таъмирлаш.
2. Буюртмачи	“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК 100000.Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси 68. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги Амалиёт бошқармаси х/р:2340 2000 3001 0000 1010 МФО:00014 ИНН:304803666 МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ
3. Лойиҳалаштириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 апрелдаги “2022 йилда йўл-транспорт инфратузилмаси объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини жадаллаштириш тўғрисида”ги 9(№05-05/1-125 29.04.2022й)-сонли баёни.
4. Молиялаштириш манбаи	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари.
5. Қурилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари	2022-2023 йиллар.(Йиллик дастурларга мувофиқ муддати ўзгариши мумкин). Қурилишнинг ҳисобий муддати Қурилишни ташкил этиш (ҚТЭ) лойиҳасида ҳисобланади.
6. Объект жойлашган ҳудуд	Қорақалпоғистон Республикаси, Мойноқ тумани.
7. Объектнинг лойиҳавий қуввати	5 км (аниқ узунлиги топогеодезия ишлари даврида аниқланади ҳамда лойиҳа ишлари давомида объект бошланиш ва тугаш нуқталари чорраҳага, туташмаларга яқинлашса буюртмачи билан келишилган ҳолда давом эттирилиб, яхлитлик таъминлансин).
8. Бош лойиҳачи ташкилот	Танлов(тендер) асосида аниқланади.
9. Бош пудратчи ташкилот	Тендер асосида аниқланади.
10. Қурилиш тури	Мукамал тамир.
11. Қоплама тури	Асфальтобетон (ГОСТ 9128-2013 “Асфальтобетон қоришмалар, Полимерасфальтобетон, Автомобиль йўллари ва аэродромлар учун полимерасфальтобетон”): - . Техник шарт асосида амалга оширилсин.
12. Йўл тўшамаси конструкцияси	Ушбу ҳудуддаги материалларнинг хусусиятидан ва жойнинг гидрогеологик, геологик ва диагностика ҳулосасидан келиб чиқиб, ШНК 2.05.02-07 ва МКН44-2008, МКН46-2008 меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида йўл тўшамаси конструкцияси ҳисоб-китоб қилинсин. Автомобиль йўларида йўл тўшамасини лойиҳалашда ўша ердаги карьерларнинг захира ресурсларини ва улардан чиқадиган материалларни

	<p>хусусиятларини ўрганган ҳолда алоҳида ҳисоб китобни амалга оширилсин.</p> <p>Автомобиль йўли йўл тўшамаси конструкциясига бугунги кунда қўлланилаётган кам цементли бетон қоришмалари ва қора чақиқ тош (черный щебень) ни амалда қўллаш назарда тутилсин.</p>
13.Объект қурилиш-монтаж ишларининг тахминий қиймати	19,167 млрд.сўм. (Тахминий қиймати аналог объектдан олинган, лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосаси олингандан сўнг, якуний қийматига аниқлик киритилади).
14.Лойиҳани ишлаб чиқиш муддати	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш муддати лойиҳа-қидирув ишларини бажариш шартномасида кўрсатилади. (ИКН67-2011 ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396-сонли Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан аниқланади) Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш муддатлари амалдаги меъёрий қоидаларга мувофиқ белгиланади.
15.Лойиҳалаш навбатлари ва босқичлари	<p>Ишчи лойиҳада қуйидаги босқичларда амалга оширилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Топогеодезия ишлари - Геология ишлари - Диагностика ишлари - Чизмалар ва материалларни келишув ишлари - АПЗ тайёрлаш ва Атроф муҳитга таъсир баённомаси ишлаб чиқиш - Лойиҳа ишлари - Смета хужжатларини тайёрлаш - Экспертиза кўригидан ўтказиш - Буюртмачига топшириш ишлари
16.Муҳандислик қидирув ишларининг заруриги	<p>Топогеодезия ишлари ШНК 1.02.07-19, ШНК 1.02.08-19, Геология ишлари ШНК 1.02.09-15 ва Диагностика ИКН 05-11 “Автомобиль йўллари ҳолатини ташхис қилиш ва баҳолаш” меъёрий хужжат талаблари асосида амалга оширилсин.</p> <p>Лойиҳа-қидирув ишлари жараёнида ернинг геологик ва гидрогеологик ҳолати ўрганилсин, тўлиқ ҳажмда ва меъёрий хужжатларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур.</p> <p>Реконструкция ва тўла таъмирлаш лойиҳаларида йўл, кўприклар ва йўлда жойлашган бошқа сунъий иншоотлар диагностикаси замонавий ўлчов асбоблари воситасида тўла ҳажмда амалга оширилсин.</p>
17.Муҳандислик коммуникацияларга талаблар.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 131-сонли қарорида: <ul style="list-style-type: none"> - 4-банд. Энергетика вазирлиги, “Худудий электр

	<p>тармоқлари” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги автомобиль йўлларини реконструкция қилиш майдонидаги электр энергия, табиий газ, ичимлик сув, оқова сув ва алоқа тармоқларини ўз маблағлари ҳисобидан кўчириш чораларини кўриш;</p>
<p>18.Объектни ресурслар билан таъминлаш</p>	<p>Маҳаллий қурилиш материалларидан максимал даражада фойдаланилсин. Техник-иқтисодий жиҳатидан самарали бўлган импорт материалларни қўллаш кўзда тутилсин.</p> <p>Объект учун зарурий хом ашё ва материаллар ҳажми ҳисоблаб чиқилиб, объектга материалларни ташиб келтириш учун ўша жойдаги карерларни чуқур ўрганиб, улардан материалларни етарли захираси борлиги ва сертификатлари мавжудлигини текшириб, кейин лойиҳада инобатга олинсин.</p> <p>Асфальтобетон, цементобетон, темирбетон ва маҳсулотларини ишлаб чиқувчи корхоналар ҳамда қум-шағал ва тупроқ карьерларининг қувватлари, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси лойиҳа ишларига тадбиқ қилишдан олдин тўлиқ ўрганиб чиқилиши лозим.</p>
<p>19.Табиат атроф-муҳит муҳофазасига талаблар</p>	<p>Меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида атроф-муҳитга ўтказадиган таъсир баённомаси лойиҳаси ишлаб чиқилсин ва экологик экспертизадан ўтказилсин (ЗВОС).</p> <p>Лойиҳа ҳужжатларида салбий таъсирни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан "атроф-муҳитни муҳофаза қилиш" бўлимини атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш асосида тақдим этиш шарт.</p> <p>Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш "автомобил йўллари ва кўприк ўтиш жойларини лойиҳалашда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини ҳисобга олиш бўйича тавсиялар" асосида амалга оширилиши керак.</p> <p>Аҳоли пунктларида автотранспорт ва автомобил йўлларининг таъсир кўрсаткичлари аҳоли пунктларининг атмосфера ҳавосидаги ифлослан тирувчи моддаларнинг (чанг концентрацияси, углеводород концентрацияси, кўрғошин ва унинг бирикмалари концентрацияси) рухсат этилган максимал концентрациясидан ошмаслиги керак.</p> <p>Аҳоли яшайдиган жойларда транспорт шовқинининг даражаси меъёрлардан ошмаслиги керак.</p>

20.Қурилиш майдончасининг (трасса) шарт-шароитлари	Текислик, шаҳар ичидан аҳоли яшаш пунктидан ўтади.
21.Асосий кўрсаткичлар, техник талаблар ва конструктив ечимлар	<p>Аҳоли пунктларидан ўтган қисмларида ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” талабларига мувофиқ ва эксперимент таъриқасида чет эл меъёрий ҳужжатлари ва тажрибасига асосланган лойиҳа ишлари бажарилсин. Йўл тўшамаси конструкциясини лойиҳасида амалдаги меъёр талабларига асосланган ҳолда замонавий йўл қурилиш материаллари (геосетка, геотекстил ва х.к) дан фойдаланиш инobatга олинсин;</p> <p>Автомобиль йўлидан сувни қочириш учун замонавий типдаги ёпиқ лотоклардан фойдаланиш кўзда тутилсин;</p> <p>Лойиҳада автомобиль йўли, кўприклар ва йўл ўтказгичнинг халқ хўжалигидаги тутган ўрнини ҳисобга олиш ва техник-иқтисодий талабларга жавоб берадиган лойиҳа ечимларини қабул қилиш талаб қилинади;</p> <p>Ишчи лойиҳа лойиҳа ташкилоти томонидан экспертиза кўригидан ўтказилиб ижобий ҳулосаси олинсин;</p> <p>Лойиҳа таркиби тузилсин;</p> <p>Ишчи лойиҳа таркибида лойиҳалаш учун асос ва топширик, смета қисмида нархларни асословчи ҳужжат, давлат экспертиза ҳулосалари бўлиши талаб этилади.</p> <p>Техник шартлар (тех.уловия) керакли ташкилотлардан олинсин;</p> <p>Материалларни ташиб келтириш масофаси далолатномаси тузилсин;</p> <p>Ҳар бир объектга уша ернинг табиий иқлим шароити, мавжуд ҳолати, автомобиллар ҳаракати ҳамда ҳудуд аҳолиси таклифини инobatга олиб, шу ҳудуднинг шарт-шароитидан келиб чиқиб лойиҳалаш ишлари амалга оширилсин.</p> <p>Лойиҳалаш жараёнида йўлдаги ҳар бир элементга индивидуал ёндашиш ҳамда замонавий материаллар ва машина механизмлардан фойдаланиш ишларини лойиҳага киритиш</p> <p>Автомобиль йўлларини жиҳозлашда халқаро ва давлат аҳамиятдаги йўлларни (Республика йўл ҳаракат хавфсизлигининг йўл назорати бўлими ва ҳудудий йўл назорати бўлими билан), маҳаллий аҳамиятдаги йўлларни (ҳудудий йўл назорати билан) келишилсин.</p>
22.Лойиҳа-смета ҳужжатларини	Лойиҳавий ечимлар Автомобиль йўллари кўмитасининг ҳудудий бош бошқармалари, вилоят ҳокимлиги, қурилиш бошқармалари, йўллардан фойдаланувчи

<p>келишиш бўйича талаблар</p>	<p>ташкilotлар, бошқа тегишли ташкilotлар келишишдан ташқари лойиҳани ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий ҳокимлар иштирокида лойиҳавий ечимларни комплекс равишда кўриб чиқиб, буюртмачи томонидан тасдиқланади</p> <p>Йўл режаси ва андозавий кўндаланг кесимлар лойиҳалари йўлнинг тоифаси, ҳаракат жадаллиги, аҳоли пунктлари ва йўл бўйида жойлашган савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш комплексларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур. Шунингдек, автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилишда меъёрий ҳужжатлар асосида йўл учун ажратилган минтақа параметрлари ҳисобга олинсин.</p>
<p>23.Архитектура ва режалаштириш ечимига қўйиладиган асосий талаблар</p>	<p>Архитектура режалаштириш топшириғи (АПЗ) ишлаб чиқилсин;</p> <p>Объектни лойиҳалаш мавжуд ландшафтни, тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва яхшилаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш, ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг чарчоқларини камайтириш, қимматбаҳо қишлоқ хўжалиги ерларини сақлаш, йўлнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини минималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Шунингдек, йўлнинг аҳоли пунктларидан ўтган қисмларида транспортлар ҳаракатини тўғри ташкил этишга эришиш зарур.</p>
<p>24.Лойиҳа ечимларини мувофиқлаштириш зарурлигига қўйиладиган талаблар</p>	<p>Лойиҳа ҳужжатларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат назорати органлари, шунингдек ташкilotлар билан мувофиқлаштириш (давлат экспертизаси, сўров натижаларини текшириш, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлигини текшириш бошқармасининг ҳулосаси ва бошқалар).</p> <p>Йўлнинг қурилиш (ёки реконструкция қилиш) зонасида портловчи ва радиоактив объектларнинг мавжудлигини малакали баҳолаш (тарихий ҳужжатлар, архив материаллари, дала экспертизаси материаллари таҳлили асосида), қурилишнинг айрим майдонларини тозалаш бўйича ишларнинг оқилона миқдорини аниқлаш, ушбу вазифаларни ҳал қилиш ва қурилиш ишларини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган куч ва воситалар. Автомобиль йўлини қуриш (ёки реконструкция қилиш) учун тўсиқ бўлиб, хизмат қилиши мумкин бўлган йўлнинг қурилиш (ёки реконструкция қилиш) зонасида археологик ёдгорликлар, қабрлар ва бошқа объектларнинг мавжудлигини малакали баҳолашни амалга ошириш.</p>

25.Смета хужжатларини ишлаб чиқишга талаблар	Смета хужжатларида қурилишнинг бошланғич нархи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли қарорига мувофиқ жорий нархларда ҳисоблаб чиқилиши лозим.
26.Лойиҳаланадиган йўл қисмининг боши	Трасса боши автомобиль йўлининг 0 км.дан бошланади. Трасса бошини йўлни манзилини кўрсатувчи йўл белгиси орқали аниқланади ва зарур ҳолларда тегишли туман йўллардан фойдаланиш корхоналари мутахассислари билан биргаликда аниқлик киритилади.
27.Лойиҳаланадиган йўл қисмининг охири	Трасса охири автомобиль йўлининг 5 км.да тугайди. Трасса охири йўлни манзилини кўрсатувчи йўл белгиси орқали аниқланади ва зарур ҳолларда тегишли туман йўллардан фойдаланиш корхоналари мутахассислари билан биргаликда аниқлик киритилади.
28.Йўлни йўл белгилари, тўсиқлар ва ётиқ чизиқли белги (разметка) билан жиҳозлаш	ГОСТ 23457-86, МҚН 23-2008 ва O'zDSt 3283:2017 га мувофиқ лойиҳалансин. Замонавий йўл белгилари, йўл тўсиқлари, ҳамда нур қайтарувчи ётиқ чизиқлардан фойдаланиш кўзда тутилсин.
29.Техник жараёнлар, жиҳоз ва ускуналарга талаблар	Амалдаги меъёрий хужжатлар талаблари асосида лойиҳаланади. Ёритиш тизимлари қуриш ва қайта қуриш замонавий қуёш ва энергия тежамкор лампалардан фойдаланиш назарда тутилсин. Аҳоли яшаш пунктларида замонавий ёритиш тизими ўрнатилиши кўзда тутилсин. Фойдаланилаётган ҳар бир жиҳоз ва ускуна стандарт талабларига жавоб бериши ҳамда сертификатга эга бўлиши лозим.
30.Сунъий иншоотлар	Мавжуд сунъий иншоотларни таъмирлаш ишлари ШНК 2.05.03-12 “Кўприклар ва қувурлар” талабларига мос равишда ва техник кўрик ҳулосаси асосида. Кўприкларни жойидан келиб чиқиб, йиғма ва қуйма (монолит) усулда қуриш кўзда тутилсин. Замонавий материаллардан фойдаланиш кўзда тутилсин.
31.Фуқаро муҳофазаси бўйича муҳандислик-техник тадбирларни ва фавқулотда ҳодисаларни олдини олиш бўйича талаблар	Ишчи лойиҳа Фавқулотда вазиятлар вазирлигининг вилоят бошқармалари билан келишилсин. Йўлнинг режаси ва кўприклар режаси ва кўринишини тақдим этиб, келишилсин.
32.Қурилишнинг алоҳида шартлари	Ҳудуднинг сейсмиклиги КМК 2.01.03-96га биноан қабул қилинсин.
33.Ерларни рекультивация қилиш талаблари	Ерлардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни химоялаш, ерларни рекультивация қилиш учун харажатлар кўзда тутилсин. Табиат ва атроф муҳит, ўсимлик дунёсига зарар етказмаслик мақсадида қазилган ва бузилган жойларни қайта тиклансин.

<p>34. Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси</p>	<p>ШНҚ 3.06.03-08 га асосан тўлиқ ҳажмда ишлаб чиқилсин. Қурилишни ташкил этиш ва ичида календар график билан (ПОС) қурилиш-монтаж ишлари бажариш муддати, ишлатиладиган машина механизмлар сони ишлаш вақти аниқ кўрсатилсин;</p>
<p>35. Аҳолини ногиронлиги бўлган ва кам ҳаракатланувчи гуруҳлар ҳаёти фаолияти шароитларини таъминлаш бўйича талаблар</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги 641-сонли қонуни ва ШНҚ 2.07.02-07 талабларига мос равишда олинсин. Пиёдалар йўлагини асосий йўлларга ва туташмаларга туташ қисмларида ногиронларга тушиб чиқиш учун барча шарт-шароитлар яратилсин. Ер ости пиёдалар ўтиш йўлида пандуслар кенглиги 3 метргача қабул қилинсин.</p>
<p>36. Қурилишда муаллифлик назорати</p>	<p>Лойиҳа ташкилоти томонидан муаллифлик назоратини олиб борувчи мутахассислар бириктирилсин ва қурилиш-монтаж ишлари даврида муаллифлик назорати ишларини лойиҳачи томонидан график асосида тўлиқ амалга оширилсин.</p>
<p>37. Топшириш-қабул қилиш тартиби</p>	<p>Ишчи лойиҳа ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Экспертизанинг ижобий хулосаси олинганидан сўнг ишчи лойиҳа 3 нусхада, электрон вариантда (2 нусхада ташкилот логотипи туширилган дискда) ва амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим.</p>

Буюртмачи:

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК бўлим бошлиғи

Ғ.Зохидов
2022й.

